

Мўмин бир уядан икки марта чақилмайди | Сийрат дарслари (367-дарс)



19:00 / 20 февраль 453

858. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган одамлар олдига келиб: **«Сизларга яхшингиздан ва ёмонингиздан хабар берайми?»** дедилар. Улар сукут сақлашди. У зот ўша гапни уч марта айтдилар. Сўнгра бир киши: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, бизга яхшимиздан ва ёмонимиздан хабар беринг», деди. **«Яхшингиз - яхшилигидан умид қилинадиган ва ёмонлигидан омон бўлинадиган кимсадир. Ёмонларингиз - яхшилиги умид қилинмайдиган ва ёмонлигидан омон бўлинмайдиган кимсадир»**, дедилар».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

859. Мадина аҳлидан бўлган бир кишидан ривоят қилинади:

«Муовия мўминларнинг онаси Оишага мактуб ёзиб: «Менга бир мактуб ёзиб, насиҳат қилгин. Чўзиб юборма», деди. Шунда Оиша розияллоҳу анҳо ёзди: «Муовияга. Саломун алайка. Аммо баъду: «Албатта, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагини айтаётганларини эшитдим: **«Ким Аллоҳнинг розилигини одамларнинг норозилиги билан изласа, Аллоҳ уни одамларнинг таъминотидан халос қилади. Ким одамларнинг розилигини Аллоҳнинг норозилиги билан изласа,**

Аллоҳ уни одамларга ташлаб қўяди». Вассалому алайка».

Термизий ва Ибн Ҳиббон ривоят қилишган.

860. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мўмин бир уядан икки марта чақилмайди»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

861. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Олдида зикр қилинганимда менга саловот айтмаган одамнинг бурни ерга ишқалсин. Унга Рамазон келиб кетсаю, мағфират қилинмай қолган одамнинг бурни ерга ишқалсин. Ота-онаси катта ёшга етганда ҳам икковлари (унинг хизматидан рози ҳолда) уни жаннатга киритмаган одамнинг бурни ерга ишқалсин»**, дедилар».

Термизий, Ибн Хузайма, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

862. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Ийсо ибн Марям ўғрилиқ қилаётган бир кишини кўриб қолиб, унга: «Ўғрилиқ қилдингми?» деди. У: «Йўқ, Ўзидан бошқа илоҳ бўлмаган Аллоҳга қасам»**, деди. Шунда Ийсо: **«Аллоҳга иймон келтирдим ва кўзимни ёлғончига чиқардим»**, деди», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 30 ноябрдаги 03-07/9078-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.